



...Хозирги мадрасалар илмхона эмас, корихона. Мақсад ҳам, усул ҳам корилик, кўр корилик. Унинг зах хужраларида 15-20 йилда олинадиган билимни замонавий ўқув юртларида 3-4 йилда эгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу қадар кадрсизми?

Муқаддима

Бу ном юз йил муқаддам туркий дунёдаги энг машхур ном эди. Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербургдан Бомбейгача билар эдилар. У чиқарган “Таржимон” газетасининг 1908 йилдаги 25 йиллик тўйида Хитойнинг “Таранча”сидан табрик телеграммаси келган. 1911 йилда унинг “Хўжаи сибён” (“Болалар муаллими”) китоби Бомбейда босилди. Муаллифни Хиндистонга таклиф этадилар. Бир йил олдин эса Франциянинг энг эътиборли журналларидан “Ревю дю монде мусулман” унинг миллат олдидаги буюк хизматлари учун номзодини “Тинчлик борасидаги Халқаро Нобель Мукофоти”га тавсия қилган ва буни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот органлари қўллаб-қувватлаб чиққан эди.

У вафот этган 1914 йилнинг 11 сентябрида машхур Наримон Наримонов ёзади: “Миллат Исмоилбек каби қахрамонларини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир”

У тириклигидаёқ миллатнинг отаси, раҳнамоси деган ном олди. Унинг энг катта хизмати Русия сарҳадида яшаб турган, лекин замоннинг зайли билан бир-биридан узок тушган (тўғрироғи, узоклаштирилган) ва бегоналаниш даражасига етган туркий халқларни бир-бирига танитди. Беҳбудий сўзлари билан айтганда, “Русиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа ноил бўлди”. Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маорифида чинакам инқилоб ясаган, “усули жаҳид” номи билан тарихга кирган “усули савтия”ни бошлаб берди. XX аср Шарқининг энг машхур, энг тараккийпарвар ҳаракатчилигига жаҳидчиликка асос солди.

У барча туркий халкларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараккий килган миллатлари билан тенг, бакамти кўрмокни орзу килди. Бутун акли-вужудини мана шу муқаддас ишга-миллатнинг равнаки ва муҳофазаси йўлига сарф этди. Бу шунчаки мутаассибона бир орзу эмас, замонасининг баланд-пастидан хабардор, тарих ва тақдирини теран англаган, Шаркни ҳам, Гарбни ҳам баббаравар билган ва баббаравар кўрган бир кишининг аниқ ва режали хатти-ҳаракат эди. Афсуски, унинг бу ишларида айрим “дўстлар”и шаккоклик, кофирпарастлик кўрдилар. Душманлари эса унга сиёсий айб кўйдилар. Туркий кавмларни Русия давлатига қарши бирлаштиришда, ягона турк-татар мамлакати тузишга уринишда айбладилар. Ва бу даъволар машъум 30-йилларда жуда “иш” берди. Унинг номи, унинг хотираси авлодлар қалбидан юлиб олинди. Наслларга ўз халқининг қаттол душмани қилиб кўрсатилди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Ҳақиқат, қанчалар чуқур кўмилмасин, бир қунмас бир қун юзага чиқар экан. Даврон айланиб, Исмоилбек Гаспринский 80-йилларнинг охиридан яна авлодларга қайта бошлади...

1987 йилда “Звезда Востока” журнали Л.Климовичнинг у ҳақдаги “Маърифат хизматида” мақоласини берди. “Йилдиз” 1989 йилда “Таржимон”нинг мундарижасини эълон қилди. 1990-91 йилларда марҳум С.Гафаровнинг у ҳақдаги монографиясини босиб чиқарди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да (1991 йил 15 март) Ш.Турдиевнинг мақоласи чиқди. Булар орасида С.Гафаров тадқиқоти, у тўплаган қимматли материаллар буюқ маърифатчининг ҳаёти ва ижод йўлини ўрганишда, айниқса, кутубхоналардан тўла нусхасини топиш деярли мумкин бўлмаган “Таржимон” материаллари билан танишишда бирдан бир манба бўлиб турибди.

1991 йилда Симферополда Исмоилбек Гаспринский таваллудининг 140 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Дунёнинг турли мамлакатларидан ўч юзга яқин киши иштирок этди. 90 та маъруза тингланди. Ўзбекистондан файласуф К.Хоназаров, адабиётшунос Ш.Турдиев ва қамина маъруза билан қатнашди.

Четда 1950 йилда у ҳақда Бурбил деган киши, докторлик диссертацияси ёзган ва Гамбургда қитоб босдирган. Америкалик Эдвард Жеймс Лаззери диссертацияси 1973 йилда “И.Гаспринский ва Русияда мусулмон модернизми” номи билан Вашингтонда босилиб чиққан. 80-йилларда эса Туркияда Нодир Давлат ва Мехмет Саройнинг у ҳақдаги монографиялари дунё кўрди. 1991 йилда Тошкентда Э.Аблаевнинг “Исмоил Гаспринский-гуманист, просветитель, педагог” рисоласи босилди. Кейинги тадқиқотлардан бири Хокон Кримлининг “Крим татарларида миллий қимлик ва миллий ҳаракатлар (1905-1916)” (Анкара, 1996) қитобидир.

Ҳаёт йўли

Ялта-Алупка йўлида баланд-паст уйлари Қора денгизга ястаниб тушиб қеладиған Гаспра номли қишлоқ бор. Исмоилбекнинг ота-боболари шу жойдан, Гаспрадан. Исмоилбек ҳам таҳаллус-нисбани шундан олди. Бироқ у кўпроқ Гаспринский номи билан шухрат қозонди.

Инкилобгача бўлган ўзбек матбуотида у “Гаспринский” деб берилади. Исмоилбек Гаспрадан унча узок бўлмаган, тўрт томони тоғлар билан ўралган Ажикўй (овчи кўй-овчилар кишлоғи)да 1851 йилнинг 21 мартда -кутлуг наврўз кунида таваллуд топди. Отаси Мустафобей Кавказ ва Кримнинг генерал-губернатори князь Воронцовга таржимон бўлиб ишлаган, садокатли хизмати учун 1853 йилда поручик унвонига мушарраф бўлган, дворян мартабасига кўтарилган. Лекин кўп ўтмай, Крим уруши бошланади. Оила Бокчасаройга кўчиб келади. Ёш Исмоилнинг тарбиясида онаси Фотима ва энагаси Хабибанинг хизматлари катта бўлди.

Исмоилни 8 ёшида Бокчасаройлик Хожи Исмоилнинг эски мактаби га берадилар. 10 га кирганда эса отаси Мустафобек онаси Фотиманинг эътирозларига карамасдан, Окмачит-Симферополдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил ўқигач, Воронеж (Ёл Кермон)даги офицерлар харбий ўқув юртига ўтади. Ўн уч ёшида Москвадаги Милютин гимназиясига ўқишини кўчиради. Шу йиллари айрим рус зиёлиларида авж олган буюк рус миллатчилиги Милютин гимназиясига ҳам кириб келган эди. Хусусан, гимназия мураббийларидан ёзувчи М.Катковнинг панславистик карашлари ёш Исмоилбекда ўзликни англаш хиссини уйготди. Унинг хатто Критда юнонлар билан уруш олиб бораётган турк кўшинига кўнгилли бўлиб кўшилиш учун синфдош дўсти литвалик Мустафо Давидович билан Истанбулга отлангани, Одесса бандаргоҳида кўлга олиниб, оркасига кайтарилгани маълум. Хуллас, 1868 йилда Исмоилбек Гаспрани Москвадаги ўқишини битириб, Бокчасаройга кайтади. “Занжирли” мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Д. И. Писарев, Н. Г. Чернышевский асарлари билан яқиндан танишади. ўқиш-ўрганиш иштиёки уни 1872 йилда Францияга бошлаб келади. Вена, Мюнхен, Штутгартда бўлади. Парижда И.С.Тургенев билан учрашади. Унга ассистент-котиб бўлиб ишга киради. Французчани мукамал эгаллайди. “Эълонлар” идорасида таржимонлик килади. Машхур Сорбонна университетига ўқишга катнайди. Нихоят, 1876 йилда Бокчасаройга кайтиб келади ва “Занжирли” да рус тили муаллими сифатида ишни давом эттиради. Шу йили уйланади. Бирок улар узок яшай олмайдилар, ажраб кетадилар. Исмоилбек мутолаага берилади. Кунт ва сабот билан туркий тилни, тарих ва адабиётни ўрганади. Айни пайтда у шарқона анъанавий тахсилнинг замондан орқада қолганини, шу туфайли мусулмонларимиз жахон тараккиётидан четга сурилиб чиқаётганлигини кўради.

Нима қилмоқ керак? Милютин гимназиясидаги ўқитиш усулини, Сорбоннадаги кўрганларини мусулмон мактабларига кўчирса бўлмасмикин? Хар бир мактаб, мадраса ўз низом-дастурига эга бўлмоғи лозим. Диний билимлар каторида дунёвий фанлар ҳам кенг ўқитилиши керак. Бу, масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, ўқишни назорат қилиш шакллари, билимни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Умр дегани, ахир, хисобли-ку. Бирок бу гаплар ўртага тушар-тушмас, Гаспринскийга тош отиш бошланди. Уни кофирдан олиб, кофирга солдилар. Тахдид, дўк-пўписа кучайиб борди. Исмоилбек ён беришга мажбур бўлди. Ишни ўзгартирди. Шаҳар бошлиғи вазифасига (1848-1884) сайланиб, Бокчасаройни обод қилишга киришди. 1882 йилда машхур Козон татарларидан миллионер Акчуриннинг кизи Зухрахонимга уйланди. Улар йигирма йил бахтли турмуш қилдилар. Олти фарзанд тарбия этдилар. “Улардан Дилорахоним ва Исмоил сог-саломатлар. Тошкентда яшайдилар”, деб хабар берган эди “Йилдиз” журнали, 1990 йилда.

И.Гаспринский шахар бошлиги (городской голова) бўлиб узок коллмади. Шахар Думаси аъзолари Исмоилбекни шахар пулини “кўчаларни ёритиш, аҳолига тиббий ёрдамни кучайтириш” каби аллақандай “фойдасиз” ишларга сарф этаётганини кечира олмадилар. Истеъфога чиқишга мажбур этдилар.

Тошкентлик шоир Тавалло бир шеърида “Хаволансин, гизолансин, билинг, бу бир хумо, миллат!....” деб ёзади. Ундаги мантик шундай: миллатнинг равнақи учун, биринчи навбатда, ақл ва гайрат керак. Гайрат эса иштиёқдан, меҳр-мухаббатдан тугилади. Ақл ва гайрат ишончни, ишонч ҳаракатни юзага келтиради. Миллат унга мансуб ҳар бир кишининг жони-жаҳони, бахти-саодати. Бинобарин, хумо куши. У кўкларга парвоз этмоғи лозим. Бунинг учун унга рух керак, мадад керак.

“Тамаддунда асар йўқ, зиллату ваҳшат фаровондур”, - дейди кескин Муҳаммад Ходи. “Тамаддун” - маданиятнинг этагини тутмагунча, ўзгариш бўлмайди. Аниги - шу. Лекин мана шу ўй-мулоҳазаларнинг ўртага тушишининг ўзи ҳам силжиш. Шунинг учун ҳам ўттиз йил кетди. Тавалло ва Муҳаммад Ходининг шеърлари 10-йилларда ёзилган. Гаспринский бу ҳақда 70-йилларнинг охирида катъий хулосага келган. 1879 йилда газета чиқариш учун ҳаракат қилиши шундай 1881 йилги “Русия мусулмонлиги” китобида Исмоилбек буни атрофлича асослаб берган эди. Жумладан, унда кўтарилган энг муҳим масалалардан бири Русиянинг ўз мусулмон фуқароларига муносабати масаласи эди.

Русия мусулмонлиги

Ўрта Осиё ва Русия муносабатларига оид деярли ҳамма тадқиқотларда бир кўчирма китобдан китобга кўчиб юради: “Русия Шаркка нисбатан прогрессив роль ўйнади... Русиянинг ҳукмронлиги Кора денгиз ва Каспий денгизлари ҳамда Марказий Осиё учун маданийлаштирувчилик ролини ўйнади”. Унинг асли сал бошқачарок. Майли, гап ҳозир унинг қай даражада аниқ берилганлигида эмас. Чамаси, Ўрта Осиё муносабатлари кенг муҳокама қилинган ва юқоридаги нуқтаи назар кенг ёйилган.

“Сўнгги йилларда Русиянинг Шаркдаги буюк маданийлаштирувчилик хизмати ҳақида тез-тез ўқишга ва эшитишга тўғри келмоқда, - деб ёзади Гаспринский “Русия мусулмонлиги” асарида. - Хўш, бу хизмат нимада намоён бўлиши керак? Нахотки, унинг маъноси қозини уезд бошлиғига, ноибни приставга, бекликни областу губернияга, ушрни тан солиғи-ю яна бошқа “бер-бер”ларга, ипак тўну бешметни дворянлик ёқасига алмаштириб қўйишдан иборат бўлиб, бошқа қилинадиган иш қолмаган бўлса?” Гаспринский “Россиянинг Шаркдаги маданийлаштирувчилик роли”га мана шундай танқидий қарайди ва у саволга салбий жавоб беради. Уни аксинча, атайин илм-маърифатдан узокда саклаб қелаётганликда, мусулмонларнинг тилини, динини, турмуш тарзини бузишда айблайди. Буларнинг ҳаммасини аниқ далиллар, мисоллар билан кўрсатиб беради. Аслини олганда, буни рус маъмурларининг ўзлари ҳам қўп-да яширмайдилар. Одесса генерал-губернатори Х.Х Рооп бир муносабат билан Бокчасаройга келган эди. Гаспринскийга унга таржимонлик қилишга тўғри келди. Бош мадрасага - “Занжирли”га бордилар. Генерал-губернаторнинг ўзи ҳам бу ердаги ахволдан хайратда қолди. “Жаноблар, бизим давримизда махбусларнинг,

жиноятчиларнинг яшаш шароити сизнинг болаларингиз ўқийдиган шароитдан яхшидир”, -деди. Буни бир гуруҳ шовинистлар тан олмадилар, холос.

Бир томондан миллатни махв этиб келаётган жаҳолат, иккинчи ёқда чор ҳукуматининг изчил, режали руслаштириш сиёсати. Русиядаги мусулмонларнинг тақдири қандай бўларкин?

Польшада руслаштириш сўнги 20 йилда кизгин паллага кирди. “Познандай шаҳар шундай қисқа муддатда немислаштирилди-ку, бизнинг кўлимиздан бундай иш келмайдими? демокдалар. Умуман олганда эса, катта миллатларнинг кичкиналарини ном-нишон қолдирмай ютиб юборгани бўлган. Британиядаги англо-сакслар чашимасини олинг. Араблар-чи? Шимолий Африканинг тубжой халқини босиб олиб, “ҳазм қилиб” юбормадиларми?

Русияда “гайрижинс” саналган, лекин нуфусига кўра иккинчи ўринда турувчи, асосан туркий қавмларни ташкил этувчи мусулмонларнинг аҳоли яхши эмас. “утмишнинг ҳароб, яримвайрон ҳолга тушган обидалари ва уларда сақланиб қолган ёзувчилар, чанг босган қитобларгина бир вақтлар татарлар ҳам фасохат билан ёзиш ва сўзлаш, тафаккур талаб қилувчи нарсалар ҳақида ўйлай олиш, ҳофиздаги санъату Шайх Саъдийдаги инсонийликни, Ибн Сино ва бошқа араб, форс адиблари, файласуфларидаги фикрнинг ёвқур шиддатини англаш қобилиятига эга бўлганликларига гувоҳлик берадилар”. Рус ҳукумронлиги мусулмонларни тараккиётга, маданиятга олиб бораётган йўқ. Аксинча, саводлилиқ 50-60 фойизгача боровчи татарлардаги мактаб-маориф сўнишга юз тутди. Яқинда эса Москва остоналаридан Тошкентгача, Пермдан Ленкорангача бўлган, мусулмонлар яшаб турган жойларда уларни зўрлаб православ динига ўтказилаётгани ҳақида гап тарқалди. Бошқирд ерларини русларга арзон-гаров улашилаётгани, Туркистоннинг серҳосил тупроқларидан маҳаллий аҳоли қувиб чиқарилиб, казакларнинг жойлаштирилаётганини эса маъмурларнинг ўзлари ҳам яширмаяптилар.

Тўғри, Руснинг ўзи ҳам истибдодни ҳўб кўрди. Бу ўринда кўпинча, мўғул-татар босқинини мисол келтиришни ҳуш кўрадилар. Лекин инсоф билан айтганда, “унинг ўрнида шундай қуч-қудратга эга бошқа бир қавм шунча муддат ҳукмронлик қилганида, Русни тамомила йўқ этиб юбориши мумкин эди...” Нима қилдилар? Олиқ-солиқларини олдилар. Қизларга қўз олайтирдилар. Бирок дин-диёнатларига даҳл этмадилар. Ҳозирда мусулмон ҳаётига нисбатан бундай деб бўлмайди. Гарчанд биз, мусулмонлар, яъни “гайрижинслар” қонун олдида руслар билан тенг, деб эълон қилинган бўлсак-да, амалда иш тамом бошқа. Бу кетишда мусулмоннинг мусулмончилигини сақлаб қолиши қийин. Оқибат нима бўларкин?

Шунча шаҳарлар бунёд этган, фан ва маданиятнинг ўнлаб дохийларини, ҳарбу зарбнинг оламжаҳон валломатларини дунёга берган бу миллат нахотки, сувга тушган тошдек зим-зиё кетса?!..

Бу дардли ўйлар Исмоилбекга тинчлик бермайди. Маҳаллий “Таврида” газетасида кетма-кет мақолалар эълон қилади. Улар ўша 1881 йилнинг ўзида алоҳида рисола бўлиб босилди. Бу рус тилида ёзилган “Русия мусулмонлиги” номли асар эди.

“Русия мусулмонлиги” ҳажман катта эмас, икки босма тобок атрофидаги ихчам бир рисола. Лекин унинг аҳамияти жуда катта. У Русияда яшовчи мусулмонларни шу мамлакатнинг тенгҳуқуқли фуқароларига айлантириш ва айни пайтда уларнинг ўз

миллий, диний жихатларини саклаб қолишга қаратилган дастурдир.

Хўш, ҳоким ва тобеъ миллатнинг-руслар ва мусулмонларнинг ўзаро муносабатлари қандай асосларда қурилмоғи лозим? “Руслар ва рус мусулмонлари бир заминда, бир қонун остида тасодифий ҳамроҳлар, пешонага битган қўшнилари сингари яшайдиларми ёки улуг, муаззам ватанимиз халқларининг буюк оиласида фарзандлар мисоли ўзаро қардошлиқ алоқаларини йўлга қўядиларми?” Нима бўлганда ҳам давлат мустаҳкам, мамлакат осойишта бўлмоғи керак. Пировард мақсад-шу. Муносабатларга келганда, халқ қилишининг икки йўли бор.

1. Руслаштириш орқали миллатлар бирлиги-ҳамкорлигига эришиш.
2. Тобеъ миллатни маънавий-руҳий такомиллаштириш-етказиш орқали ҳамфикрлиikka эришиш. Биринчиси-

Польшада ўтказилаётган йўл. Иккинчиси-Финляндияда.

Ассимиляция сиёсати, қанчалар назорат билан олиб борилаётган, зўравонлиikka, иккинчи бир халқнинг қонуний ҳуқуқларини чеклашга олиб борадики, шунинг ўзиёқ ҳар қандай қилишининг ундан ихлосини қайтаради. Энг тўғри йўл иккинчи йўлдир. Ҳаёт осойишта, ҳатто бир қадар фаровон Америкада, Швейцария, Австро-Венгрияда биз иккинчи қилиш қўриб турибмиз.

Хўш, тобеъ миллатнинг, ҳусусан, мусулмонларнинг маънавий қамолотини қандай таъмин этиш мумкин?

Мусулмонлар жамоа-жамоа бўлиб яшайдилар. Ҳар бир жамоа ўзига хос қажж қи бир давлат, ўз қонун-қондаси, урф-удуми бор. Булар қари ислом қуши, тартиботи билан қолланган. Қаттага ҳурмат, қиқикка шафқат-ақиди. Ҳаммаси учун асос-Қуръон. Бунда табақа йўқ. Аллоҳнинг олдида қарча тенг.

Ҳар бир жамоанинг ўз мактаби, қачити бор. Бир неча жамоада муштарак қомеъ масжиди. Қўнг мусулмоннинг ҳам олиқ мактаби, ҳам академияси ҳисобланадиган-мадраса. Мусулмон жамоаси учун 10-20 оила қифоя. Уни тақдир, қайга элтиб ташламасин, мақкур тартиблар асосида қирлаша олади. Қунки мусулмончилиқ бу эътиқодқина эмас, турмуш ҳамдир. Шу сабаб, уни “қутиб қубориш” қаддан ташқари қийин. Бир вақтлар Литва қнязлари татар суворийларини қарбий қуришлари, шахсий муқофазалари учун ёллағанлар. Ўтган йили уларнинг авлодларини қўрдим. Қомлари, тиллари ўзқариб қетган, леқин қали ҳам мусулмонлиқни ушлаб қеладилар. Ишондимки, мусулмонлиқни йўқотиб бўлмайди, дейди Гаспринский.

Уни йўқотиш учун зулм ва қийин-қистовларни, чеклашни қаддан ошириш керак бўлади. Бироқ шунда ҳам мақсадга эришиб бўлмайди. Расм-тартиблар оилага, уйларга қўчиб қиради ва қар қандай назоратдан четга қикади. Қурашиш деярли мумкин бўлмай қолади. Мақодо, шунда ҳам фалоқат қосиб, мусулмончилиқни қирор жамоадан қувиб қикаришга эришилса, яъни уни бузишга муваффақ бўлинса, у еерда ахлоқсизлиқ, моддий-маънавий таназзул авж олади. Демақ, ягона йўл мусулмонларни тенглиқ, озодлиқ, фан ва маориф қаминида маънавий такомиллаштиришга ва у орқали руслар билан қирлашишга эришиш. Бу Гаспринский қелган қиринчи қулоса эди. Бу маънавий такомиллаштириш мусулмонларнинг ўз тиллари, ўқув воситалари орқали амалга оширилмоғи лозим. Рус мактабларида ўқиб, рус қани, адабиёти, матбуоти орқали қамол тоқувчи мусулмонлар қармоқ билан санокли қаражададир. Рус-тузем, рус-татар мактаблари деб аталган ва қайируслар учун мўлжалланган мактаблардан қирор натижа қикиши мушкул.

Исмоилбекнинг ўзи бир вақтлар шундай мактабларнинг ашаддий тарғиботчиларидан эди. 6-7 йиллик тажрибадан сўнг ташлаб кетди. Симферополдаги татар ўқитувчилар семинарияси ҳам ҳеч бир самара бермаётир. Шуларга кетаётган вақт ва харажат ушбу керакли билимларни мусулмон болаларининг ўз тилида ўрганишига сарфланганида самараси тамом бошқача бўлур эди.

Ахир, кўзи боглик одам атрофдагиларнинг кимлигини билмаса, улар билан қандай якинлашиб кета олади? Хатто рус бошлангич таълими асли ўзаги бир Малороссияда натижа бермаган бир пайтда, уни қандай қилиб татарларга қўллаш мумкин? Сиз рус мактабларига тарбия ва маориф учун немис тилини жорий қилиб кўринг-чи, нима бўларкин. Энг сара ўқитувчиларни, энг кейинги воситаларни сафарбар қилганингизда ҳам қутилган натижага эриша олмайсиз. Рус тилининг ўрни эса “гайрижинс” мусулмон мактабларида бундан ҳам ахамиятсизроқдир.

Масаланинг яна бир нозик томони бор.

Хар бир мусулмон эътикод ва турмуш тақозосига кўра тўғри, ҳалол. У маърифатли бўлгани сайин бу хусусиятлари қучайиб боради. Лекин тақдир тақозоси билан у ёки бу чет тилини у ёки бу даражада ўзлаштирган айрим мусулмонларимиз етарли илмий заминга эга бўлмай, европачиликнинг зохирий томонларини илиб оладилар-да, умрларини зоеъ қетқизадилар. Булар ўз қавмларининг яхши сифатларини йўқотиб, ўзгаларнинг иллатини ўзлаштирган кишилардир. Улар, кўпинча, ёшлиқларида “ишқбоз”лик билан машғул бўлиб, кексайганда ўз гуноҳларини ювиш учун ҳаётдаги ҳар бир янгиликка, маърифат ва таракқиётга қарши оёқ тираб туриб олувчи олчок, юзсиз кишилардир. Исмоилбек мусулмонларнинг бундай хилини рус мусулмонлари орасида ҳам, араблар, турклар орасида ҳам жуда кўп кўрди...

Маърифатни тил эмас, билим беради. Рус мусулмонларининг ҳаётини рус тили эмас, энг осон, энг таъсирчан воситалар билан ўзлаштириладиган илм-фангина ўзгартириши мумкин. Ва бунда асосий восита, Исмоилбек фикрича, анъанавий мактаб, мадраса бўлмоғи керак. Бошлангич мактаб ҳар бир мусулмон жамоасида бор. Мадраса ҳам етарлик. Эътибори ҳали ҳам баланд. Замонлар бўлганки, мусулмонлар ўз мадрааларида илми хандаса қаби ўнлаб зарурий фанларни ўрганганлар. Уларда жаҳоний олимлар мударрислик қилганлар. Уларнинг тор, икки қаватлик хужралари илм-фан оламининг қанчадан-қанча кашфиётларига гувоҳ бўлган.

Қани ўша мадрасалар?

Мадрасалар бор. Илгариги фан, гайрат, энг муҳими рағбат йўқ. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Шулардан бири анъанавий мактаб-мадрасаларнинг иқтисодий заминдан узилганлиги-чор ҳукумати томонидан вақф ерларининг олиб қўйилганлигидир. Хуллас, ҳозирги мадрасалар илмхона эмас, қорихона. Мақсад ҳам, усул ҳам қорилик, кўр қорилик. Унинг зах хужраларида 15-20 йилда олинадиган билимни замонавий ўқув юртларида 3-4 йилда эгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу қадар қадрсизми? Дарвоқеъ, мадрасаларнинг ночор савияси ҳақидаги кескин гапни 30 йил бурун Шихобиддин

Маржоний айтган эди. “Таржимон”ни чиқаришга 4 йил деганда зўр-базўр рухсат олиб, унинг дастур-йўналиши хусусида шаҳарма-шаҳар кезиб, суҳбат ўтказиб юрганида унга самимий қўл узатганлардан, чин дилдан қўллаб-қувватлаганлардан бири ҳам мана шу машҳур тарихчи бўлди.

Мадрасаларни янгилаш керак.

Агар руслар ўз мусулмонлари учун даврида илм-фаннинг канчадан-канча яловбардорларини етказган шонли мадрасаларини рус заминида қайта тиклаганларида эди, ватан ва инсоният олдида буюк хизмат қилган бўлур эдилар:

Аслида буни қилиш у қадар қийин эмас. Бутунроссия бўйича 9-10 мадраса, масалан, Козон, Уфа, Оренбург, Астрахан, Тошкент, Самарканд, Баку, Нуха, Бокчасарой каби мусулмон марказларида ислох қилинса, қифоя. Уларни янгилаш, мохиятан, бу мадрасага табиий фанларнинг маҳаллий тилдаги қисқа курсларини қиритиш, тарбия асослари ва мухтасар рус қонунчилигини ўқитишдир. Муаллимларни университетларнинг факультетларини, Лазарев шарқ тиллари институтини тугатганлар орасидан танлаб олиш мумкин. Бундай ислохот ҳар бир мадрасага қўпи билан 7-8 минг сўмга тушар. Боринки, ҳар йили ўнта мадрасага юз минг сўм кетсин. Буни ҳеч бўлмаса, мусулмонларимиздан иона тўплаб ҳам йиғиш мумкин. Бу ишлар амалга ошгудай бўлса, 10-15 йил ичида маорифимизни тубдан ўзгартиш, қайта қуриб олиш мумкин бўлур эди. “Мусулмонларга Русияни, унинг ҳаётини ва қонунларини ўрганмокка имкон беринг, уларга тор дунёқарашларини янгилашга, жонлантирувчи билимга эга бўлишга имкон беринг. Улар учун янги гоҳларга ва принципларга қиришиш жараёнини енгиллаштиринг, ва сиз, ухлаб келаётган оғирбош, мудроқ мусулмон бандасининг нақадар тез жонланиб, ўзлигини инкишоф этиб, рус тафаккури ва ҳаётига тез аралашиб кетишини кўрасиз. Бунинг учун қўп нарсаси керак эмас. Лекин унга фақат тўғрилиқ, софдиллик билангина, мусулмонларнинг ўз тилларига, ўқитув воситаларига мурожаат этув йўли билангина эришиш мумкин”.

Шундай қилингудек бўлса, рус тили ва фанига путур етадими? Ватан маърифати, умуминсоний маданият ютмайдими? Канчадан-канча англашилмовчиликларнинг, бахтсизликларнинг олди олинмайдими? “Эҳтимол, рус мужиги ҳам ҳеч нарсаси ўқимайди, ҳеч бало билмайди, яшайпти-ку!” деб менга эътироз билдиришлари мумкин, -ёзади Гаспринский. -Биринчидан, у жуда ёмон яшайди, ҳеч нарсаси ўқимаганлиги учун бошида минг бир бало; иккинчидан, нима бўлганида ҳам, биргина келиб чиқишининг ўзи, тарихий аҳъаналари уни рус ҳаётига, тартибларига турмуш ва қарашлари тамом бошқача мусулмонга қараганда яқин қилиб қўяди”.

Бу қитоб босилиб чиқиши билан великорус шовинистларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Айниқса, мусулмонларнинг мактаб-маорифини миллий асосларда қуришлари лозимлиги-миллий мактаб ҳақидаги фикрлар ёкмади.

Буни у биларди. Москвада Милютин гимназиясида ўқиб юрган пайтлари ўриспарастлиги билан донг қозонган М.Н.Катков билан бу масалада қўп тўқнашган эди. Унинг муҳаррирлигида чиққан “Московские ведомости” газетаси билан “Русский вестник”

журналини мунтазам ўқиб борар эди. Унинг нуктаи назари Тошкентда Н.Остроумов ва М.Муропиев, Козонда Н.Ильминский билан айна бир хилда эканлигини яхши биларди. Н. Ильминский турк-татар халкининг мактаб-маорифига дахлдор ҳар бир илгари силжишни рус халкига қарши ҳаракат деб билади. Синоднинг обер-прокурори К.П.Победоносцевга ёзган бир хатида очикдан-очик “Русиядаги мусулмон халқларига биронта ҳам ижтимоий сиёсий ҳуқуқ бермаслик керак”, дейди. Дарвоқеъ, туркий халқлар алфавити билан кўпдан шугулланиб келаётган турк профессори А.Эржиласин Гаспринский анжуманидаги 1991 маърузасида глати бир фактни келтирган эди. Маълум бўлишича, Н.Ильминский 1876 йилда туркий халқларга рус алфавитини жорий қилиш таклифи билан чиққан экан. Унинг фикрича, ҳар бир турк кавмининг ўз тилига ва алфавитига эга бўлишига эришиш лозим. Шунда уларни ажратиш осон кечади. Бу гоё инқилобдан сўнг режали, босқичма-босқич амалга оширилди. “Йилдиз” журналининг 1989-1991 йил сонларида эълон қилинган С.Гафаров монографиясида ҳам бу ҳақда қизиқарли материаллар келтирилган.

Исмоилбек Русия қоидаларини синчиклаб ўрганди. 1882 йилда “Солномаи туркий”, “Миръоти жаҳид” номларида 2 рисола эълон қилди. “Рус мусулмонлиги” асарида кўтариб чиққан масалаларни амалга оширишни матбуотдан бошлади.

«Таржимон» зарурати

Вазиятни ўзгартириш учун уни олдин англатиш керак. Бунинг учун эса минбар зарур. “Таржимон” мана шундай зарурат туфайли юзага келди: “Бир бечора фақирни кўрсак, ачинамиз. Ўлаётган бечорани кўрсак, юрагимиз изтиробдан огрийди. Хатто бир хайвоннинг қийналиши раҳмимизни келтиради. Лекин бир эмас, минглаб қийналарнинг, бутун бир халқнинг жаҳолатдан мислсиз қийналаётганини кўрмаймиз....”

Газетанинг дастлабки сонларидан бирида шундай сўзлар бор эди.

Бу жасоратли садо ўша пайтлари жуда ҳам зарур эди.

Руслаштириш авжида. Итил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, мачитга имом ҳам миссионер. Н.Ильминский руҳсатисиз сайланмайди.

Мактаб-мадраса қитоблари-қу бирма-бир қўлдан ўтади. Туркистонда-Остроумов тўра. Кавказнинг ҳам ўз тўралари бор, албатта. Бу тўралар ўз миллатларидан бошқасини миллат деб ҳисобламайдилар. Н.Ильминскийнинг кейинги чиранишларини қаранг. У очикдан-очик Русияда ҳеч қандай турк-татар халқи йўқ, унда-бунда тўп-тўп қабилалари учраб, қолади, уларни ҳеч бир миллатга мансуб деб бўлмайди, деб чиқди. Обер-прокурор К.П.Победоносцевга, “Таржимон” мусулмон гоёларини Европа маорифи билан безамокчи, Русиядаги турли қабилалар, хилма-хил тилли миллион-миллион мусулмонларни бир миллат қилиб бирлаштирмоқда, Русиядаги барча мусулмонлар учун умумий туркий тил асосида ягона бир тил ясамокчи, деб шикоят қилди.

Гаспринский 1905 йилда ўз газетасида “Зўрлик билан руслаштириш назарияси” (23-сон) деган мақола бостирган эди. Бу мақолада унинг фикри қатъий. Рус халқи билан рус ҳукумати бир-биридан фарқлаш керак. Рус халқи бизни ҳеч қачон “гайрижинс” санамайди. Буни рус “папазлари”, чор маъмурлари тўқиб чиқарган...

Шунингдек, таъсир хакида ҳам гапирилгудек бўлса, бир томонлама эмас, ўзаро таъсир хакида сўзламок керак. Агар хозирда хаётимизга, фикрларимизга рус таъсири бўлаётган бўлса, ўтмишда Русия биздан кўп нарсани олди... Умуман олганда эса, ҳар бир халқдаги сингари русларда ҳам талай фазилатлар бор. Масалан, “рус кишиси ўзининг ҳар нарсани, ҳар хил кишини бирлаштиришдаги сабри-чидаи билан кучли ва улуг”. Лекин ҳар бир миллат ўз йўли билан тараккий топмоғи керак. Бу хусусда баҳсга ўрин йўқ.

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятларидан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Гаспринский 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавҳиди тил (тил бирлиги) ва тавҳиди дин (дин бирлиги) деган эди. Дарҳақиқат, тилнинг ўрни бекиёс: “Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир”.

“Тил бирлиги масаласи бизим хаётимизда хаёт-мамот масаласидир, ва биз бу масалада бир кадам ҳам орқага чекинмаймиз,-ёзади И.Гаспринский 1906 йил 18 декабрда. Биз учун орқага чекинмокка йўл йўқ. Яшасин миллат! “Тил бирлиги!”, “муштарак тил ва адабиёт” зарурлиги мутлақо аён бўлди. Русиядаги турк-татарлар ўз учрашувларида, мажлисларида умумий туркий тилда сўйлашарканлар, хужжатлар, ёзишмалар умумий тилда олиб борилажан. Бу йил адабиётчилардан, ёзувчи ва публицистлардан ўндан тўққизи умумий туркий тилда сўзлашиб, ёзиб келди.Бу йил жойларда йигирмадан ортик янги газета пайдо бўлишига қарамасдан, “Таржимон”нинг обуначилари сони қамаймади. Баъзи жойларда ҳатто ортди. Бу умумий тил бирлигининг натижасидир.

“Таржимон” умумий бир миллий газетадир. Унинг тили ҳам умумий бир миллий тилдир. Яшасин миллат! ҳам яшар, чунки у тилда ва фикрда бирликнинг зарурлигини англади. Тил бирлиги эса адабиёт бирлигидир. Бу эса ўз навбатида меҳнат ва ҳаракат бирлигининг асоси ўларок миллатнинг озодлигини таъмин этажандир”.

Тил миллатнинг жонли, ҳаракатдаги тарихидир. Унинг кечмиши ҳам, ҳозири ҳам тилда ифода этади. Миллатнинг барҳаётлигига энг муҳим гувоҳ тилдир. Тил миллат учун хаёт-мамот масаласидир. Гаспринский ўз мақолаларидан бирини “Тил масаласи-энг муҳим масала” деб номлаган эди.

Туркий халқларнинг муштарак тили хақидаги гаплар 1905 йил воқеларидан кейин, оқ подшо ён беришга мажбур бўлган, эркинрок айтила бошланди. Ҳатто айрим ишлар ҳам қилинди. 1906 йил Гаспринский айтганидек, “тил йили” бўлди. Жумладан, 1906 йил Нижний Новгородда Русия мусулмонларининг 600-700 вақили иштирок этган йигилишида умумий адабий тил масаласи ўртага қўйилди. Уни аста-секин шакллантириш ва амалиётга қўйиш хақида қарор қабул қилинди. Бу қарор ўша муштарак адабий тилда алоҳида рисола бўлиб босилиб ҳам чиқди Нихоят, 1907 йилда Русия давлат маориф инспекцияси мамлакатдаги мусулмонларнинг ўз она тилларида ўқув-ёзувни олиб боришлари мумкинлиги хақида қарор қабул қилди. Бирок бу махсус қарор мусулмон болаларини ўз она тилида ўқитишни фақат ерли шевасида олиб бориш зарурлигини ўқдирди.

Гаспринский шундан қўчиган эди. У бу қарорни мутлақо нотўғри, ҳатто жинойат деб ҳисоблади:

“Маориф инспекциясининг бу ишини биз бутунлай ҳато деб биламиз, чунки халқнинг она тили бу миллатнинг адабий тилидир. Агар бизим қадимий адабий тилимизнинг бир халқаси Алишер Навоий тили бўлса, турли шевалардан таркиб топган янги замонавий

тилимиз унинг иккинчи халкасидир”.

“Таржимон”нинг 1908 йил 13-сонида босилган “Тил ва маъсулият” мақоласида яна шу масалага қайтиб, ўз фикрини атрофлича асослайди. Чиндан ҳам Русиянинг турли жойларида истикомат қилувчи туркий халқларнинг тиллари, тўғрироғи, шевалари бир-биридан фарқ қилади. Хўш, бу фарқ русларда йўқми? Вятка мужикларининг тили Ярославль хунармандлариникидан, Тулалиларники Курск, Смоленск ерлилариникидан канчалик фарқ қилади! Араблар-чи? Гоҳо улар орасидаги фарқлар бир-бирларини тушунмаслик даражасига боради-ку? Нима учун Ломоносов, Жуковский, Пушкин, Тургенев каби адиблар, мутафаккирлар ягона адабий тил учун умр бўйи курашдилар?! Нима учун арабнинг кўзга кўринган олим-фозили бор-ки, тил бирлигини тилдан қўймайди?! Немислар нега умумий тил устида бу қадар жон қуйдирадилар?!

Тўғри, ягона адабий тил миллий адабиёт билан бирга майдонга келади. Лекин уни шакллантириш учун биргина адабиёт ахлининг эмас, бутун миллатнинг биринчи навбатда, зиёлиларнинг гайрат ва рағбати керак.

Бу ерда ҳам ишни маорифдан бошламок зарур. Боланинг илк саводи майли, шевада чиксин, лекин иккинчи-учинчи йилданок ўқишлар умумий ягона тилда кетмоғи лозим. Бу дегани дунёнинг ташвишларини кўзда тутган, лекин ўз она тилимизда, миллий рухимизда бўлган ўрта ва олий мактаблар илмий, маданий муассасалар, турли-туман мутахассислар, хуллас, нимаики миллатнинг иктисодий, сиёсий ва миллий мустиқлигини таъмин этадиган бўлса, ҳаммаси керак. Буларсиз миллат озод бўла олмайди.

Хўш, бизга ҳозир она тилида ўрта ва олий мактаблар очишга рухсат берилса, биз бунга тайёرمизми, деган авол қўяди Исмоилбек Гаспринский ва “йўқ!” деб жавоб беради. Демак, биринчи вазифа, ёш, тараккийпарвар миллий зиёлилар тайёрламок, замин ҳозирламокдир. Уни ҳеч ким қилиб бермайди. Ўзимиз қилишимиз керак:

“Бугундан бошлаб умумий тил устида кураша бошламок, мактаблар, учун дарсликлар, ўқув китоблари, лухатлар тайёрламок керак”, -деб ёзади Гаспринский “Таржимон”нинг 1907 йил 42-сонида босилган “Дўстларимга” номли мактубида.

Буларнинг ҳаммасини боши миллий онг, хусусан, миллий маориф бўлади.

Мамлакатимизда сонига кўра нисбатан озчиликни ташкил этувчи армани, гуржи, латишларни қаранг, қанчалар илғарилаб кетдилар. Финляндия ва Польша мустиқликни олишгача етди. Иктисоди ҳам жойида. Қаракли нарсаси бор. Ҳаммаси миллий онгдан, миллий тил, адабиётдан.

У ўша 80-йилларнинг бошида Бокчасаройда қизлар учун махсус мактаб очган, уларнинг ҳаётини ёритувчи “Хотинлар дунёси” номли журнал чиқарган эди. Буюқ маърифатчи инсониятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизларга, биринчи навбатда, асрлар бўйи ичкарида қелган мусулмон аёллар турмушини илм-фан билан ёритиш йўлида жуда катта иш олиб борди.

“Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шуларнинг биттаси бузилиши қифоя”, дейди Гаспринский. У Волгабўйи матбуотидан айрим жумлаларни мисол қилиб қелтирган эди: “Уч вороной от жеккан тройка шипко қеледир”. Бу жумла қандай тилда бўлса қордир, лекин турк-татар тилида эмас”-деб изоҳ қилган эди Исмоилбек.

Дарҳақиқат, миллатларнинг ўзини таниши, ўзини англаши, ўз ақлига, ўз эркига, ўз

феълича, ўз урфича яшашга уриниши миллатчилик эмас, бу табиий хол. Аксинча, шуларни писанд этмаслик-миллатчилик. Биз нима учун тарих иккига бўлиб ташлаган Вьетнамни, Яманни бир давлат бўлиб бирлашишини олқишладик? Нима учун икки Германиянинг бир бўлишига хайрихохлик билдирдик? Нима учун Солженициннинг рус, малорус, белорус миллатларининг ягона давлати бўлиши лозимлиги хақидаги фикрларини табиий қабул қилдик?

Меҳмет Сарой айтганидек, “Туркларнинг асли бир. Лекин замон ва макон ихтилофлари улар орасида тафовутлар, шевалар пайдо қилди”. Уларни бир-бирига танитмоқ, ягона ва умумий тарихни англатмоқ факат миллий эмас, инсоний бурч ҳамдир. Бу гапни Исмоилбек 1907 йилги мусулмонларнинг жаҳон конгрессида изтироб билан айтган эди. Агар шуни амалга оширмасак, миллатнинг юзига қарашга ҳаққимиз йўқ, деган эди. Иккинчидан, ҳар бир миллат ўзлигини кадрлай билиши керак. ўзлиги билан гурурлана олиши, ифтихор эта билиши лозим. Шундагина у тенглар аро тенг бўла олади. Шундагина у “хаво” ва “ғизо” олади. Мамлакатимизда кечаётган бугунги жараёнлар бунга далил. Исмоилбек феноменининг энг муҳим нукталаридан бирини, шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг маориф маданиятини миллий заминда олиб бориш, миллий тил учун кураш ташкил қилган эди. Биз ҳозир мана юз йилдан сўнг мана шу ҳақиқат билан, мана шу зарурат билан юзма-юз қелиб турибмиз.

У туркий халқлар учун ягона тил, имло масаласини кизгин ҳимоя қилиб чиққан эди. Тил бирлиги хақидаги фикри, эҳтимол, эҳтимолдан биров узоклашгандир. ўтган вақт ўз тахририни қиритгандир. Бирок ягона ёзув масаласи,ўйлаймизки, у қадар эскирган эмас.

Келажак хақида ўйлар

1885 йилда Истанбулдаги Абузиё матбаасида Исмоилбек Гаспралининг “Оврупо маданиятига бир бетарафона назар” деган кичкина рисоласи босилиб чиқди. Европа ўз тараккиётининг ҳадди аълосида турган, Европа турмуш тарзи дунёнинг барча мамлакатларига ўрнак ва тимсол тутилган бир пайтда Русиядай қолоқ бир юртнинг қайси бир бурчагидаги бир мусулмон дунёнинг тараккийпарвар аҳли орасидаги ҳукмрон нуктаи назарга эътироз билдирди. Фан ва техникаси билан дунёни хайратга солган капиталистик Европани ҳам, жаннат ваъда этувчи социалистик Европани ҳам рад этди. Ҳар иккисида ҳам ахлоқсизлик кўрди. Бугунги Европа маданияти қадим Рим цивилизацияси асосида майдонга келгандир. Қадим Рим салтанати эса маънавий ахлокий чириганлиги учун барбод бўлгандир. Бинобарин, “Румолилар асир этлари билан ҳовузларда боқилган балиқларга тўймасдан қандай қулаган бўлсалар, уларнинг фарзандлари бўлган овруполилар ҳам бутун дунёнинг меваларига тўймайдилар”,-деб ёзади Гаспрали.

Қадим Рим салтанати деганда бугунги ўқувчининг қўз ўнгига,биринчи навбатда, бир тўда тўраларнинг қўнглини очиш учун ўлим билан курашга чиққан гладиаторлар, машҳур Спартак келади. XIX аср эса Европа колониализмининг гуллаган даври эди. Китоб чоп этилган 80-йилларда окподшонинг севимли генерали Скоблев олис Хуросоннинг Кўктепа қалъасини қонга ботириб, Марви шохжаҳонни ишғол этган эди. Румолиларнинг XIX

асрдаги фарзандларининг бутун дунёнинг меваларига тўймасликлари шундан. Муаллиф фикрича, янги-ХІХ аср Европа маданияти билан қадим Рим маданияти моҳиятан бир хил. Қуроллар, усуллар, ўрнаклар ўзгарган ҳолос, натижа ва самара эскича.

Рисолада асосий эътибор “янги дунё” маданиятининг маънавий-ахлоқий жиҳатларига қаратилади. Ворисийликка, оталар ва болалар масаласига тўхталади. Болаларнинг (социалистларнинг) ўз оталари (капиталистларни) рад этишларида катта маъно кўради. Айни пайтда болаларнинг адолат ҳақидаги тушунча ва фикрлари адолатсизликлар билан тўла эканлигини очиқ ташлайди. Унингча олдинги ҳар икки маданиятнинг асосий нуқсонлари шундаки, уларда ҳаққоният йўқ. Исломдаги ҳаққоният йўқ. Ҳаққоният дегани нима? Авлоний буни шундай тушунтиради:

“Ҳаққоният деб ишда тўғрилиқ, сўзда ростликни айтилур...” Гаспрани барча инсонларнинг ўзаро муносабатлари бир асосга - фойда асосига қурилганини таъкидлайди, лекин ишлаб чиқариш воситаларини киши фаолиятини назорат қилувчи ушр (ўндан бир миқдордаги йиллик экин солиғи), закот (қирқдан бир миқдордаги йиллик мулк солиғи) қабиларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги фавқулодда назоратчилик ролини уқдиради. Шулар Оврупонинг ҳуқуқ ва ахлоқига асос қилиб олинганида социалистик фикрларга имкон қолмаслигини айтади. Шу тариқа Европа илм-фан ислом ахлоқининг ҳамқорлигида майдонга келадиган янги умуминсоний маданият масаласини кўтаради. Ҳўш, ислом маданияти қандай маданият? У нимани кўзда тутди? Оврупо маданияти шарҳидан кейин бунинг изоҳига ҳам зарурат тугилган кўринади. Ҳар ҳолда Исмоилбекнинг шу номда бир китоби пайдо бўлди ва қисқа муддатда 2 марта чоп этилди. Маданият, унингча кишиларнинг турмуши, иш фаолияти, касб-ҳунарга муносабати билан белгиланади ва уларни тахминан 3 га бўлиш мумкин:

1. Нутқсиз ҳайвон даражасинда ўлуб оиладан, никоҳдан, уй-жойдан, саноатдан, зироатдан мутлақо ҳабарсиз бўлиб, ярим ёввойи ҳолда тоғларда маймунлар қаби умр кечириб ва баъзи балиқ ва ов ила гизоланурлар.

2. Саноатдан, тижоратдан, иморатсозликдан, ҳунардан бебаҳра бўлсалар ҳам оила ташкил этиб, фазоили никоҳдан ҳабардор бўлиб жинс-жинс қўшилишиб қирларда бугун бунда, эрта унда кўчиб юрадилар ва емишлари боккан моллари билан.

3. Саноат, зироат тижорат билан машғул бўлиб, ҳам оила, ҳам жамият, ҳам давлат ташкил этиш даражасига етишиб ҳунар, фунун, ҳуқуқ, улум ва ахлоқ ошноси бўлгандирларки, улар овулларда, шаҳарларда истикомат этиб, низом асосида осойишталикда, омонликда, минг хил иш-қуч, саноат, ҳунар, касб ва тижорат билан дунёда роҳатда яшаб келадилар.

Улардан биринчиси, шубҳасиз “ваҳший”, учинчиси “маданий”дир. Маданият халқ ёҳуд миллатнинг осойиш ва омонлигига, тирикчилигига мутаносиб бўлади. У ҳеч қачон ёлғиз бир миллатга ёҳуд мамлакатга тегишли бўлиб қилмайди. Турли сабаб ва шароитга кўра бирида озроқ, иккинчисида кўпроқ ёҳуд бунда бир, иккинчисида бошқа жиҳати нисбатан фарқли ривожланиши мумкин. Бир вақтлар Оврупо ундан бебаҳра қолган эди, ҳозирда унинг Осиёдан ўсиб кетганлиги ҳаммага аён. Заминида Оврупо қийим нималигини билмай, мол терисига ўралиб юрган пайтларда. Осиё пахта-ипақ матоларини танлаб қиярди. Ҳозирда Осиёли от-эшак, қайиқ билан ўн кунда юрайдиган йўлни Европа темир йўл ё пароходда бир кунда босиб ўтади. Бу маданият даражасининг самараси. Айни

пайтда у бутун инсониятникидир.

Кимки бу йўлда хизмат килса, инсониятга хизмат килган бўлади. Шу жихатдан, мусулмон олами инсониятга нима берди? Умуман, унинг хизмати борми?

Исмоилбек шундай савол кўяди ва “Хам бордир, хам кўпдур” деб жавоб беради. Шундан сўнг 2 мухим масалага аниклик киритади.

1. Ислом маданиятининг биргина араб маданиятидан иборат эмаслиги. Оврупода кенг таркалган бу фикрни муаллиф янглиш хисоблайди. Дархакикат у холда француз, инглиз, немис зиёлилари бунёд этган илм-фанни “лотин маданияти дейиш керак”, чунки улар шу тилда ёзилган. Ундай демаймиз ва тўғри киламиз. Ислом маданиятини хам ёлғиз араблар яратмадилар. Унда турк, форс, хинд ва бошка кавмларнинг хам улуши бор.

2. Ислом маданиятининг антик ва хозирги Оврупо маданияти билан ўзаро муносабати масаласи.

Инсониятнинг энг кадим маданияти, шубхасиз, Миср ва Юнон маданиятидир. Хозирги баравж маданияти эса, Оврупо маданияти бўлиб турибди. Хўш, ислом маданиятининг ўрни қаерда? Оврупо олимларининг кўпчилиги бугунги Оврупо маданияти кадим Миср-Юнон маданиятининг бевосита давомчиси дейдилар. “Ва лекин бу иддаолари янглишдир ва хатодир, -деб ёзади Исмоилбек. -Чунки Юнон маданияти охири ила Оврупо маданияти бошина қадар кечмиш минг йил олам маданиятсизми қолди? Оврупо маданиятни тўғри Юнондан олган бўлса, нима учун минг йил уни олмасдан қутиб ўтирди? Муаллифнинг атрофлича асослашича, юнон маданияти Овруподан олдин ислом дунёсига ёйилган ва мусулмонлар уни тараккий қилдириб, нуқсонларини озайтириб, Оврупога топширдилар. Аристотель, Платон қаби ўнлаб машхур юнон олимлари асарларини Оврупога танитганлар мусулмонлар бўлади. Буни арб олимлари орасида эътироф этгувчилар йўқ эмас. Америкалик Драбер “Оврупо аклий тараккийёти тарихи” китобида “Оврупонинг бугунги улугъ зиёси мусулмонлар ёккан шамъ ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга қелгандир” деб ёзган. Ояти қарима ва пайгамбаримиз ҳадислари, саҳобалар эътирофи исломиёт маданиятнинг асоси ва манбаи эканлигига далил эмасми?

Дархакикат, “Қуръони қарим”да “илм” сўзи 751 ўринда учраб экан...

Ислом оламидан узок юнон маданияти мусулмонлар ҳаётига қандай қириб қелди?

Бу VIII асрдан Аббосий халифа Абу Жаъфар Абдуллох Ал-Мансур қамонидан бошланган. Илм-фанни севган бу халифа хинд олимларидан илми нуҷум ва ҳайъатни ўрганган. Юнонларда бу фанларнинг тараккий топганлигини англаб, таржима қилишни йўлга қўйган эди. Воқеа бундай бўлган эди: Аббосийлар қамонида христианлар орасида “несторий”лар деган бир гуруҳ пайдо бўлади. Булар 431 йилда Эфес ибодатхонасида дунёвий қарашлари учун сазойи қилиниб, юртдан қадарга қилинган патриарх Несторнинг издошлари эдилар. Улар Эрон, Ўрта Осиё, Арабистон шаҳарларида қадарбар юрар эдилар. Абу Жаъфар буларни тўплаб, ҳимоясига олиб, таржима ишларини бошлаб юборади. Қиска муддатда Бағдод, Шом илму ҳикмат ҳазиналарига айланади. Бу қорада Хорун Ар-Рашид, Маънун қаби халифалар қатта ҳиммат ва қасорат қўрсатадилар. Ниҳоят, булар ўз самарасини беради.

Исмоилбек ўз фикрларини далиллаш учун кўплаб мисоллар келтиради. Чунончи, механика илми даражасини кўрсатувчи шундай факт келтирилган. Хорун Ар-Рашид (763-809)нинг Франция хукмдори Буюк Карл (742-814)га юборган совгалари орасида занг чаладиган соат бўлиб, барча овруполиларни хайрат ва таажжубга солган. Абу Жаъфар юнон хукмдори билан инок эди. Афинадан беадад китоб олдириди. Маъмун даврида Птоломейнинг “Мажистий”и таржима килинди. (Яхё Ибн Холид Бармакий). Санад бин Али ва Холид бин Абдулмалик Марварудий астрономия бўйича янги маълумотларни кўлга киритдилар. Ер куррасининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилди. Сайёрамиз харакатига доир 3 зиж тартиб килинди. Аббос бин Саййид Жўшарий ибн Исхок бин Касуф, Абдуллох бин Саййид Ал-Фаргоний каби машхур олимлар юнонларнинг астрономияга доир кўплаб хатоларини аниқладилар ва куёш доглари, ой-кун тутилиши, думлик юлдузлар борасида бир канча кашфиётлар килинди... Оврупо хандаса (геометрия) илмини Хуросонли Абулвафонинг хижрий 5-аср бошида тузилган “Аз-зижи Шомил” ва “Мажистий”сидан ўрганди. Исмоилбек фикрича, бугунги телескоплар ўша замонларда кашф этилса эди, ислом уламси “балки Оврупо уламси илми хайъатда ҳеч бир иш қолдурмаслар эди”.

Афсуски, XI асрдан замон нотинчликлари қучайиб борди. Бир томондан, газнавийлар, салжукийларнинг мулк дағдағаси, иккинчи томондан, Чингиз истилоси, учинчи томондан, Қуддуси шариф учун бошаниб кетган “салиб юришлари” ислом оламини ларзага солиб, илму ҳунар йўлларини бузиб юборди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча душманларга ҳам зиё бериб, мунаввар қилди. Мўғулларнинг қатта қисми ислом маданиятини қабул этдилар, овруполилар эса юз йиллик салиб юришлари давомида қанчадан-қанча санъат ва ҳунарларни ўрганиб қайтдилар.

Ислом маданиятининг ўчоқлари биргина Бағдод, Шероз, Нишопур, Самарқанд эмас эди. Бундай марказлар Африка, Испанияда, қўйинки, ислом оламининг деярли барча нуқталарида бор эди ва ҳаммасида илм-фан ривож топди. Биргина Испания ва Африкада етишган ислом уламсининг кашфиётлари ва ёзган асарлари номларининг ўзи, Исмоилбек гувоҳлик беришича “йигирма жилд” бўлади.

Муаллиф ислом маданиятининг мазмун ва қўлаи ҳақида умумий маълумот бергач, “Улуми табиия”, “Қонун ва низом”, “Таърих”, “Хикмат”, “Тиб”, “Адабиёт”, “Улуми риёзийя”, “Фани жуғрофия” каби боблар очиб, тасниф этади. Ҳар соҳанинг энг машхур намоёндаларини тилга олади, асарларидан намуна келтиради, баҳолайди. Тасниф ва баҳо қўпинча Оврупо илм-фани билан таққослаб олиб борилади.

Чунончи, табиий фанлар борасида сўз юритганда, бир қатор соҳаларда “ҳожа (муаллим)лари ўлан юнонийлардан қўб ўзуб кетган”ликларини, масалан, набототдан “юнон уламсида ҳеч маълум ўлмаган икки минг жинс наботот кашф ва тажруба этилгани”ни, Андалус подшоҳи 1-Абдурахмон Қуртабо шаҳри ёнида улкан Ботаника боғи ташкил қилиб, дунё ўсимликларини тўпламок учун Осиё ва Африканинг ҳар томонига маҳсус қишлоқлар юборганини қайд этади. Шунингдек, ўсимлик-ғиёҳларнинг қанглинишини аниқлаш, дори ва ғиёҳларни шакарда қайнатиб саклаш, дорихоналар очиш “ислом ҳукуматининг маърифатлари”дан экан. Исмоилбек ер илми зироат асбоблари борасидаги ўнлаб кашфиётлар мусулмон оламида олинганлиги Овруполи олимларнинг ўзлари томонидан қайд этилганини айтади. Оврупода бу қунда мавжуд ўлан наботот (ўсимлик) ва ашжор (дарахт) ва чечакларинг қўписи Андалус мусулмонлариндан олинмишдир ва неча аср олдин ўрганилмишдир”, деб ёзади.

“Тиб” бобида Хорун-Ар-Рашиднинг табиби Яхё бин Мискавейх тиббиётга доир 30 жилд китоб ёзгани ва уларнинг арабий, иброний тилдаги нусхалари овруполилар кўлига тушгани, Аббосийлар даврида етишган Абу Бакр Ар-Розий илк бор чечак ва кизамикни эмлагани, икки юздан ортик китоб ёзгани, асарлари XVI асрда италян тилига таржима килингани, ундан 50 йил сўнг Эронда яшаган Али бин Аббос юнонийларнинг тиббиётдаги кўплаб хатоларини кўрсатиб, 20 жилд китоб ёзгани, буюк Ибн Синонинг асарлари асрлар давомида арбда дастури амалда келаётгани каби маълумотлар келтирилади. Ислом олами илмда янги-янги йўналишларни бошлаб берди.

“Конун ва низом” бобида шариат, мазхабларнинг жамиятдаги ўрни, Имоми аъзам Абу Ханифа, Имом Шофеъи, Имом Молик ва Имом Ханбалларнинг ислом маданияти тарихидаги хизматлари хақида гап кетади.

“Таърих ёзма мусулмонлар хар миллатдан зиёда хидмат этмишлар, десак жоиздир”,-деб бошланади “Таърих” боби. Котиб Чалабий (1609-1658)

“Кашфуз-зуннун...”ида 1300 муаррих номини келтирган экан. Исмоилбек уларнинг энг машхурлари Абулфараж, Бурхониддин, Ибн Халдун, Масъудий кабилар хақида маълумот беради, уларнинг ҳаёти билан боглик воқеалардан хикоя килади. Табиий фанлардан “хисоб”, “хандаса”, “жабр”ни қайта яратганликлари, «фани маҳоикия» (машинасиозлик), “фани абсор” (“оптика”)га буюк хизмат қилганликларини далиллайди. Шунингдек, Муҳаммад Бағдодийнинг ер сатҳини ўлчаш ва харитасини тузиш борасида махсус китоб ёзганини маълум килади. Бугунги соатларимиздаги “соат” ва “дакика” таксимхоналари мусулмонлар хунари бўлиб, ўрта асрларда Абул Хасан Мағрибийнинг китобида муфассал баён қилинган экан. Машхур Умар Хайём ва Абдурахмон Ал-Харожийнинг “Санайи жалолія” ном олган йил хисоби Оврупо Рум (Григорян) календаридан бир неча аср илгари ва аниқ тузилган.

Жугрофия-чи? Батлимус (Птоломей) “Жугрофия”си Маъмун замонида келиб эскирди. Унинг амри билан махсус хайъат тузилиб мукамал жугрофия китоби-“Расм ал-арз” яратилди, олдингисига тузатишлар берилиб, хариталар илова этилди. Ва улар асрлар давомида Оврупода дастуриламал бўлдилар. Шохрух топшириги билан Абдураззок Самаркандий Хиндистон ва Хитой жугрофиясини ўрганди: Мирзо Улугбек кўрсатмаси билан Али Кушчи ернинг кенглик даражасини, сатҳини ўлчашда жуда катта ютуқларни қўлга киритди.

Денгиз карталари мусулмонлар ихтироидир. 1497 йилда денгиз сафарига чиқиб, кўплаб ороллар кашф этган Васко де Гаманинг арабча ёзилган бир денгиз харитасидан фойдаланганлиги маълум.

Исмоилбек айрим Оврупо олимларининг “турк халклари зехну салоҳиятдан ноқис ва ожиз бўлганлигидан қора ва паст ишлардан бошқасига ярамайди” деган фикри билан баҳсга киришади. Идрок-истеъдоднинг, зехн ва ақлнинг бу халқда бошқалардан заррача ҳам кам эмаслигини, ахлоқ ва одобда, садокат ва тўғрилиқда, ор-номус ҳимоясида сайёҳлар тилида келишини таъкидлаб кўрсатади ва ўз фикрларини “Бир халқ(н)нинг ё бир қавм(н)нинг ахлоқ қасб этмаси истеъдоду ақлиясиндан тугар. Ноқис ақлдан мақбул ахлоқ ва адаб тугмас”,-деб ёзади. Сўнг мисолларга ўтади: “Олами исломиятда машхур ва Оврупо Фарангистон уламояси маълум “муаллими соний”номини қасб этмиш Абунаср Форобий ҳазратлари турк ўғли турқдиқи, ҳам биринчи уламодан, ҳам биринчи ҳуқамодандир. Али Хусайн Ибн Сино ҳазратлари Оврупода “Ави-Сена номи ила машхур ўлан экан. Турк ўғли турқдир. Юнон қавми Букрот каби табиб ва Арасту каби филёсўф

ила ифтихор эдар. Ибн Сино эса, хам табиби машхур, хам филӱсӱфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг акси дагил эди ва лекин Арастунинг шогирди ӱлмаюб ӱзининг истеъдоди аклия ва зехнияси ила Арастуя баробар келмишдир. Ибн Сино Бухоро мевасидир...”

азнавийларинг ва темурийларинг саройлари уламо ва ҳукамо жамиятлари ила шарафландиги тарихларда ёзилмишдир...”

Муаллиф “хисса” чикаради:

“Хар миллат(н)инг ва халк(н)инг буюклиги, зӱрлиги “чӱклик” (“кӱплик”), “мол ва касб”, “шижоат” ила ӱлчанилур эса-да, энг шарафли мезон ва ӱлчов “илм ва хунар” дирки, буларга эга миллат, халк энг улуг, энг буюк халқдир”.

Сӱнгги боб “Исломият ва маданият” деб номланган. Ундан мазкур рисола XIX аср ӱрталарида кечган ислом ва илм-фан мавзуидаги бахсга ӱзига хос жавоб эканлиги маълум бўлади. Исмоилбек Оврупо матбуотида гоҳ-гоҳ кӱзга ташланиб қоладиган «исломият маданиятга мутаносиб эмас» деган фикрнинг келиб чиқиш сабаблари устида тўхтаб, уни чала мулла дин пешволаримизнинг жаҳолатидан кўради. Холбуки буни аниқлашнинг йўли жуда осон. 1. Диннинг асосини, қоидаларини ўқиб билмак. 2. Шу диндаги халқнинг аҳолини ўрганмак. Хар икки жихатдан хам ушбу диннинг мукамал бир маданият манбаи эканлиги маълум бўлади. “Қуръони азимуш-шон бир китобдирки, хар нуктаси воситаи маданиятдир,-деб ёзади Исмоилбек. -Пайгамбаримизнинг ҳадислари ва ғайри аозим ислом(н)инг калимот ва ҳукмиёти бир қонуни ориллох ва маданиятдур. Дунёда шариати мухаммадия қадар ҳаққоният ва мусовот асоси узра таъсис ӱлинмиш ҳеч бир мукамал қонун йўқдир.

Маданиятнинг бош ва арқони ӱлан маориф, саъй ва амали иттиҳод, мусовот, ҳуррият, муҳаббати ватан қаби авсофи мамдуҳа дини ислом(н)инг биринчи даражада амр ва тавсия этдиган аҳкоминдандир”.

Яна бир далил: бошқа миллатлар ӱз олимларини қамок ва зиндонларда қиритганида, мусулмон уламоларига юксак мартабалар берилиб, саройларда, шох дастурхони атрофида умр кечирдилар.

Муаллиф иккинчи масалага-мусулмонлар аҳолига тўхталар экан, арабларнинг “жоҳилият” деб ном олган исломгача бўлган тарихини мисол қилиб келтиради. Ислом бу қавми тамом янгилади, миллат ҳолига келтирди. Улар юз йил ӱтмай, Африка ӱрталаридан Самарқандгача, Хиндистондан Франциядаги Пириней тоғларигача чўзилган салтанатни майдонга келтирдилар. Қанчадан-қанча халқлар бу динни қабул қилиб, маданиятнинг қатта қўчасига чиқиб олдилар. “Оврупо халқларининг ҳозирдаги хунар ва маданиятларина асос уламои ислом(н)инг самаройи саъйи ӱлдигини инкор этиб бўлмас”, -деб ёзади Исмоилбек ва бунинг далили сифатида бугунги илм-фан, шаҳар маданияти, дехқончилик, богдорчилик, экология қабиларнинг ҳаммаси ислом маданиятига бориб тақалишини қўрсатиб беради.

Табиийки, ундаги бу гоҳлар муайян билим ва идрокка суянган эди. Туркий халқларнинг ӱтмиш маданиятини, руҳиятини теран англашдан, унинг кейинги асрларда тақдир тақозоси билан тушиб қолган тутқун ва тургун турмушини теран идрок этишдан, унга йўл излашдан қилиб қиккан эди. Бу жихатдан Исмоилбекнинг “Туркистон уламоси” китоби муҳим.

“Туркистон уламози”

1900 йилда Бокуда босилди. Муаллиф “Ноширдан бир сўз”да “Оврупода улум ва фунун бик оз мунташор ўлан бир замонда Туркистон китъасинда аклий ва наклий илмлара чолишмокда эмишлар”,-деб изох берган.

Гаспринский замондошларини кўхна Туркистоннинг юздан ортик уламози билан таништирар экан, уларни сахни кенг гулшандан саралаб олинган бир даста гул сифатида такдим этади, ўлканинг нодир истеъдодларга бенихоя бойлигини таъкидлайди. Китоб ўн фаслга бўлинган. Дастлабки фаслда “Туркистонда етишан уламои машойих, мухаккикиндан баъзилари” хакида гап кетади. Фасл “шоҳ Накшбанд”- машхур Муҳаммад Баҳовуддин Накшбанд (1318-1389) билан бошланади. Муаллиф унинг тасаввуфга дахлдор “Далилул ошикин” билан “Хаётнома”си «арбоби урфон»нинг хар доим назар-эътиборида келганлигини хабар килади. Шайх Нажмиддин Кубронинг “618 санаи хижриясинда Чингиз аскарлари тарафинда шахид” этилганини маълум қилиб, асарларини шархлайди. Абдуҳолик иждувонийнинг ўнлаб машхур мутасаввифларга мураббийлигига тўхталади. Гаспринский “жоруллох” Замахшарийни, конуншунос, илоҳиёт олими Абуллайс Самаркандийни (1075-1144), Навоийга дарс берган Фазлуллох Абуллайсийнинг аждодларидан, “Ахлоки Мухсиний”нинг муаллифи Хусайн Воиз Кошифийни (1440-1504) “Муфассири киром” (улуғ тафсирчилар) фаслига киритади. “Шухрати таъриф ва баёндин мустағни ўлан” Замахшарий хакида сўзлаб, “тафсир, хадис, фикх, лугат, баён, нахв илмларинда замонининг энг биринчиси эди”,-деб ёзади. 20 дан ортик китобини санаб кўрсатади. Факихи мухаккик Абуллайсийнинг 7 китобини тилга олади. Хусайн Воизнинг 4 китобига тўхтайди. Буюк муҳаддислардан Имом Бухорийнинг 19, Муҳаммад бинни Исо Термизийнинг 6 асари хакида фикр юритади. Китобдаги фасллардан бири “улуми адабия” вакилларига бағишланган. Фасл фороблик Абунаср Исмоил бин Ал-Ахмад Жавҳарий (в.1003) билан бошланади. Унинг “Тож-ул лугати ва сахих ал-арабияти” номли лугати келтирилган. Араб тилига оид бу китоб, чамаси, ўз даврида бенихоя машхур бўлган. Замахшарийнинг, бу тилни мукамал эгаллагани учун, “жоруллох” (оллохнинг кўшниси) лақабини олгани маълум эди. Муаллиф келтиришича, Жавҳарийнинг замондошлари ушбу китобни араб уламози қўлига бериб, “Лугатингизни ажнабий бир одамдан ўрганингиз!”, деган гапи машхур бўлиб кетган экан. (10-бет).

Сарф, нахв,маоний, адаб, мунозара, кофия фанларидан бахс юритган “Мифтоҳул улум” («Илмлар калити»)нинг муаллифи хивалик Сирожиддин Юсуф Саккокий (в.1229), унинг хамшахари “Хадойикус сеҳр»и билан шухрат қозонган Рашидиддин Ватвот (в.1188), “Ан-наҳж” («Усул»), “Наводир ал усул” («Усул жиолари») каби китоблар ёзган Абу Абдулло Термизий (Ҳаким Термизий) (в.816) каби ўндан ортик уламо хакида маълумот ушбу бобда келтирилган.

Навбатдаги фасл “соҳиби девон машоҳири шуаро” (девон тартиб этган машхур шоирлар) хакида. Унда “Сайрул ибод”и билан илоҳиёт мавзуига янги йўналиш берган Санойи (в.1054)дан “девони мажор-венгр уламосинда мусъё Вамбери тарафиндан немис дилина даржима ўлинмиш” Махтумқулигача бор. Муаллиф аждодлари Кеш-Шахрисабздан бўлганликларини кўзда тутиб, Амир Хисрав Дехлавийни ҳам киритган. Шунингдек,

макбараси Табризда бўлган, “илми хикмат ва шеърда машхури замон” Зоҳир Фарёбий (в.1202), “қувваи ҳаёлияи шоирона”да беназир Шавкат Бухорий (1636 йилда Исфahонда вафот этган) каби умрининг сўнги бошқа юртларда кечган каламкашлар ҳам ўрин олган. Аҳсикатлик шоир Асириддин Аҳсикатий (в.1212)ни Анварий (Авҳадиддин Анварий, 1105-1187), Хоконий каби “азим шуаро” каторига қўяди. Сайфиддин Исфараңги деган шоирнинг шеърлари Улугбек замонасида гоят шухрат топганини маълум қилади: “Девони ашъори 12 минг байт жамъ ўлуб, аксарият Улугбек мажлисинда кироат ўлинурди”, “Исфара Мавороуннахрда бир қасабадур”, деб изох беради муаллиф. Пахлавон Махмуд (Пурёйвали)нинг “Қанзул ҳақойиқ”и, Лутфийнинг “мусаввада қолан” шеърий “Зафарнома”си ҳақида ҳам айрим қайдлар учрайди.

Муаллиф Алишер Навоий ва унинг адабий муҳити ҳақида ҳам тўхталган. Хусусан, Навоий борасида “лақаби зулқиснайн ўлуб, хижратинг тўқузунчи асри авохиринда етишан чигатой ва Аҷам шуаросининг энг машхурларидандур, боҳусус, турк(н)инг “раис ал-шуароси” дея талқи ўлинадур. Илми хат, расм, мусиқи, наққошлиқ санъатларинданда воқиф эди...” (13-бет) деб ёзади. “Мавлоно Жомий ила муосир (асрдош) Лутфий”ни “форсий, боҳусус туркий назмда сонийи Алишер” атайди. Султон Хусайн Бойқаронинг “қувваи таъби”ни таъкидлаб қўрсатади.

Фаслнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири Ойшайи Самарқандий, Меҳри Нуржаҳонбегим, Лола хотун, Асимий, Иффатий ва Дўхтари Қошғарий-жаъми 7 “турк шоираси” ҳақидаги фикрлардир. Афсуски, улар ҳақдаги материаллар қайддан нарига ўтмаган. Лекин шунинг ўзи ҳам Туркистон адабий тарихини ўрганишда мутахассисларга туртки бериши, табиий.

“Туркистонда етишган ҳукамо (ҳакимлар) ва атиббо (табиблар)” фасли Ибн Сино билан очилади. Гаспринский уни “дохий” атайди. Лотинчага таржима қилинган “Қонун”и “Оврупо дорилфунунларинда тадрис ўлинурди” деб ёзади. Тил билимини юксак баҳолайди: “Ҳақи-ла воқиф ўлдиги қисонлар: араби, форси, турки, юнони эди”. Фаслда II ном келтирилган. Булар машхур Форобий, Хўжа Фаҳриддин бин Авҳадий Сабзаворий (1384-1463), Ҳаким Азракий Марвий, Нажибиддин Самарқандий, Абу Язид Балхий, Абдурахмон Ал-Марзуйи, Абу Иброҳим Гургоний(в.1137), “Ёдгори тиб”нинг муаллифи Шариф Шарафиддин, “маданияти исломиянинг энг буюқ ходимлариндан “50 парча асаривор” Абул Аҳмад бин Табиб Сархуший (в.897) қабилардир.

Алжабр асосчиси Ал-Ҳоразмий, Нилнинг сувини ўлчайдиган “микёс ал жаҳид” асбобини яратган Аҳмад Фаргоний (в.861), Абурайхон Беруний, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, иёсиддин Жамшид - жамъи 12 киши “нужум, хайъат ва риёзия уламоси” сирасида берилган. Мазкур фаслдаги “Зижи Абу Маъшар”ни тузган, риёзийёт ва илми нужумга оид ўнлаб асарлар ёзган бу Абу Маъшар Балхий, Қозизода Румий қитобига шарҳ ёзган хайъатшунос Муҳаммад Чағминий, хандасага доир қитоблари билан шухрат қозонган Шамсиддин Самарқандий (в.1204), олтмиш қадамлик устурлоб ясаган Муҳаммад Хўжандий, Ой ҳақидаги қузатишлари европаликларни маҳлиё қилган, “Ал бадийъ” («Гўзал яратилиш») асарининг муаллифи Абул Ҳасан, Маъмун “байтул хикмаси”

(академияси)нинг бир огиздан эътироф этилган олими Абдулло бинни Сухайл Ал-Фаргоний каби ҳаёт ва ижодлари нисбатан кам ёритилган олимлар ҳақида тўпланган маълумотлар, шубҳасиз, ўзининг аҳамиятини бугунги қунгача сақлаб келади.

Муҳими шундаки, арб ва Шарқни баравар билган Гаспринский Туркистонлик ушбу олимлар ижоди Европада қандай ўрганилаётганлигига ҳам диққат қилади. Жумладан,

Улугбек “Зиш”ининг 1665 йилги Оксфорд нашри, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Абу Маъшар асарларининг Европада кутиб олиниши, бахоланишига оид маълумотлар келтиради.

“Туркистон уламеси»да “таърих ва жугофия уламеси” хакида ҳам боб бор. Ўнта тарихчи киритилган. Буларнинг бир қисми таниш: Хондамир, Табарий, Хофизи Абрў, Абдураззок Самаркандий, Жамолиддин Абдулло Нишопурий (в.1512), Абу Саид Ал-Марвозий (в.1167), Мир Абдулкарим Бухорий (в.1830) номлари кўпчиликка у қадар маълум эмас. Гаспринский Жамолиддин Нишопурийни асли Мавороуннахрлик деб таништиради.

“Равзатул ахбоб” («Дўстлар боғи») номли китоби борлигини, “Китоби такмил ас-синоа” («Ажойиботга кўшимча») сини Навоий номига ёзганлигини, Абу Саид Ал-Марвозийнинг эса 28 жилд (шундан 10 жилди “Таърихи Марв”, 8 жилди “Таърихи ансоб”) асари борлигини, Мир Абдулкарим Бухорийнинг Туркистон ва Афғонистонга доир бир китоби 1876 йилда Парижда мусъё Шефр томонидан французчага таржима қилинганини бизга етказади.

Гаспринский Туркистон уламеси хакида тўхталар экан, бир фаслини махсус факихларга (диний ҳуқуқ олимларига) бағишлайди.

XIX асрнинг охирида яшаган ва дунё кўрган зиёлиларнинг бирортаси ҳам Туркистоннинг ўша давр ахволидан қаноат ҳосил қилмади. Исмоилбек хонликлар салтанатининг сўнгги давр ахволини шундай баён қилади:

“Шох Темур замонинда ҳар бири бир арслон ўлан туркистонийлар бу замонда таъсири зулм ва истибдод ила бирор сочсиз хотин, соқолли заифалар поясина қирмиш эди. Эски илм ва уламодан ҳам деярли асар қолмаган. Холис ва ҳалол (қиши) қолмай, узун чопонларга, хилъатларга ўралган риёкор кўпайган эди. Золимлар йўлини тўсадиган шариат аҳли тугаб, золимларга фатво топиб бериб, 5-10 тилла-олтун учун сабоҳдан окшома қадар “омин”, “омин” айтиб, миллатни ҳароб ва барбод этганлар саноксиз эди. Қандай бахтсизлики, бир учи Садди Чинга, дигар учи Ўрта ер денгизига чиққан салтанат баҳодирларининг авлоди ёшлиқда баччалик, сўнг эса баччабозлик ҳаромликлари ичида умр кечирадилар эди. Умаро ва вуқалонинг аксари ё Эрон асирларидан, ё баччалик қилганлардан мансабга кўтарилар эди. Шижоат майдонида Темурларнинг, Шайбонийларнинг исми-шарифлари унутилгани қаби илм майдонида Ибн Синолар, Форобийлар, маориф майдонида Али Қушчи, Улугбеклар ёддан чиқиб, бутун Мавороуннахр бир хонақойи паришон ва диёри дарвешон ўлмиш эди. Илм, ҳилм, маориф иззат-нафс ва ҳайсиёт (ҳурмат-эътибор) риёкорликка айланган эди. Бу сўзлар балки аччиқ сўзлардир, лекин тўғри сўзлардир. Тарих ёзадиган муаррих мадҳия ёзадиган мирза эмас”.

Мана шу “хонақойи паришон” ватанга, “дарвеш” ва “риёкор”лар миллатга айланмас экан, Туркистоннинг келажаги йўқдир. Бу биргина Туркистон эмас, бугун Россия мусулмонларига тегишли.

Исмоилбек фикрича, ахволни тузатмоқ учун уч нарсга керак: 1. Миллий фикр. 2. Миллий тил. 3. Миллий маориф. Миллий фикр, биринчи навбатда, миллат бирлиги фикридир. Тил ягона адабий тил масаласидир. Миллий маориф она тилдаги таълим-тарбияни йўлга қўйишдир. Фикр ва тилни матбуот тарбия қилади. Матбуот ходимларини етказувчи эса маорифдир. Демак ишни маорифдан бошлаш керак. “Таржимон” ҳам, “усули жаҳид” ҳам шу мақсадда дунёга қилган эди.

“Инсонларни бир-биридан уч нарсга узоклаштиради: тил, масофа узоклиги, дин

бошкалиги,-деб ёзган эди Исмоилбек “Хаёт” газетасининг 1 йиллиги муносабати билан.-Бундан 25 сана мукаддам ахволи миллиямизи мулохаза этарканман, заиф аклим билан дардларимизга дармон излаб кўрдимки, динимиз бир бўлса-да, масофа ва тилсизлик бизни ажратар экан”. Фан-техника самаралари олисни якин килгач, узокликнинг сабаби факат тил туфайли эканлиги маълум бўлди. “Шу аснода давом этади Исмоилбек,- жумла “образованный” зиёли кардошларим каби мен ҳам туркча исмимни ёзишни билмас эдим...”.

Йигирма беш санадан бери дедиким, ёздигим, чалишдигим будир: йўл очмок. Бошка бир нарсаси эмас. Чунки кудратли, нажиб, умрли, чидамли ва жасоратли бўлган турк миллатининг пароканда бўлиб, Садди Чин (Хитой девори)дан Ок денгиз (Ўрта ер денгизи)га қадар ёйилиб, нуфузсиз, товушсиз- қолиши тилсизлигидан, яъни “Лисони умумия”я эга бўлмаганидан майдонга келгандир. Бу эътикод билан яшадим. Бу эътикод билан мазорга қиражакман”.

Миллат ва унинг манфаатини ҳар нарсадан мукаддам ва мукаддас тутган Исмоилбек “Хаёт”га йўллаган табригини шундай тугатган эди:“... Лекин ягона шарт-унутма: ҳар на ёзажак эсанг, қаламни уч қапиклик қора сиёҳга ботирма, юрагингга ботириб, қонинг билан ёз, сўзинг унар, виждонлара етар, акс ҳолда бесамар кетади”.

1893 йилда Туркистонга келади.

Бухоро амири Абдулахадхон билан Қримда учрашган эди. Улар бир-бирларини билардилар. Исмоилбекга Ширвонлик Мажид анизода ҳамроҳлик қилади.

Самарқандчилар “усули савтия” ғоясини яхши қутиб оладилар. Тезда “усули жаҳид” йўлга қўйилиб, иш бошланади. Исмоилбек Шахрисабзга, кетади. Мажид анизода 40 кун Самарқандда қолиб, “усули савтия”дан дарс беради.

Исмоилбекнинг Туркистонга иккинчи сафари 1908 йилга тўғри келади. Сафар тафсилотлари “Бухорода на кўрдим?” сарлавҳаси остида “Таржимон”нинг ўша йил сонларида (47,50,57-59,64,78) босилган. Каспийдан “Генерал Скоблев” кемасида келиб, Қасноводскдан поездга ўтаркан, Гўктепа урушини эслайди. Қалъа аҳолисининг “бутун Осиёга шухрат ва ибрат дея бола-чақаси баробар қиличдан кечурулуб, от оёғида топталгани”ни алам ва изтироб билан ёдга олади. Исмоилбекни Янги Бухоро (Қогон) станциясида амир одамлари ва Русия сиёсий агентлиги таржимони Мирҳайдарбек қутиб оладилар. Амир уни Қарманага таклиф этади. Зиёфат асносида Валиаҳд Саййид Олимхон билан учрашади. Валиаҳднинг Русия матбуотини мунтазам ўқиб боришини, дунё воқеаларидан хабардорлигини кўради. Самарқандга ўтади. “Усули жаҳид” мактаблари билан танишади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шақурий билан узок суҳбатлар қуради. Гап тарих ва келажак, мукаддас обидалар ва уларнинг тақдири, рус истилочилик сиёсати ва ўзликни сақлаб қолиш ҳақида эди.

Қайтишда яни Бухорога тушади. Қушбеги Остонақулбек билан тўхтаб қолган янги мактабни юритишни гаплашади. Асосий тўсқинлик қозикалон томонидан эканлигини аңлаб, ҳузурига боради, ваъдасини олади. Бухородаги нўғойлар Исмоилбекни меҳмонга қақириб, “Жамияти хайрия”ларига фаҳрий аъзо қиладилар. Янги очилган бир мактабни унинг шарафига “Исмоилия” атамоқчи эканлиқларини айтадилар. Исмоилбек унамайди. Амир Абдулахадхоннинг марҳум падари ҳурматиға “Музаффария” номлашни маслаҳат беради...

Мактабларғина эмас, мадрасалар ҳам ислох қилиниши қерак. Иложи бўлса, янги замонавий олий ўқув юртлари-университетлар қурмоқ қерак. Исмоилбек бу фикрга 1885

йилдаёк келган эди.

«Эй давлатлулар!- деб ёзган эди Бухоро ва Хива хонларига мурожаатида,- майдони сиёсатда мглоб ўлуб, истиклолни гойиб этди. Бу замонда гафлат эдилурса, майдони иктисод ва маишатда миллат маглуб тушуб, сабаб ўланлари дунё турдикча масъул тутажакдир...

1905 йил кириб келди. Май ойида Исмоилбек Кримдаги мусулмонларнинг турмушини янгилаш лойиҳасини тузиб бир гуруҳ зиёлилар вакили билан Петербургга боради. Идорама-идора юриб ўз фикри карашларини химоя қилади. У кўтарган энг муҳим масалалардан бири сўз ва матбуот эркинлиги эди. Иш қийин кечди. “Хуррият матбуот” низомини тайёрлаётган жаноб “Кубаку” мусулмонларга бундай эркинлик берилмаслигини айтди: “Зиёда мутаассиб” эмишлар...

Исмоилбек Петербургда худди шундай ташвишлар билан юрган Боқулик зиёлилар Алимардонбек Тўпчибошев ваа Аҳмадбек Огаевлар билан учрашиб қолади. Русия мусулмонларининг ўзаро маслаҳатлашиб оладиган бир уюшмасини ташкил қилиш ва умумий мақсадни белгилаб, ҳамкорликда иш олиб бориш гоёси тугилади. Қелишиб оладилар. Барча қийинчиликларни қарамай, 1905 йилнинг 15 августиди Москвада яширин равишда дарёда саёҳат қилиб юрган сайёҳлар қиёфасида Русия мусулмонларининг I қурултойни ўтказадилар. Исмоилбек раислик қилади. Қурултой (“Шўройи уммат”) “Иттифоқи муслимин” жамиятини тузади. Жамиятнинг асосий вазифаси Русия мусулмонларининг “сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини химоя қилиш” деб белгиланади. Сиёсий партия мақомида эканлиги таъкидланади. Тантикаси бўйига эса, русларнинг энг маъқул фирқаси билан иттифокда бўлиш маъқул топилади. Жойларда, шу жумладан. Туркистонда шуъбаларини очишга қарор қилинади, муваққат марказ (Боқу) ҳақида қелишиб олинади.

Исмоилбек “Иттифоқи муслимин”нинг тузилишини “тарихи жадидимизнинг бош саҳифаси” деб баҳолаган эди.

1906 йилда ушбу “Шўройи уммат”нинг 2 қурултойи бўлиб ўтди. “Иттифоқи муслимин” Русиядаги барча мусулмонлар қаторида туркистончиларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини химоя қилишди. Хусусан, сўз матбуот, виждон эркинлигини таъмин этишда қўлидан келган барча ишни қилди. Бирок чор ҳукумати мазкур жамиятнинг фаолиятига йўл бермади, қаттиқ таъқиб остига олди.

Исмоилбек тўхтамади, миллатни уйғотишнинг янги-янги йўллариини излади. Ягона адабий тил масаласига диққатни қаратди. Унингча, адабий тил миллатнинг бирлигини ва борлигини таъмин этувчи қудратли воситадир. Замон ихтилофлари туфайли бир-биридан фаркланиб қолган шеваларга мустиқилликни бермок миллатни ич-ичидан айрилмокдир. Унинг оқибати ҳалокатдир. Шунинг учун ҳам у ўз мақолаларидан бирини “Жон ёки тил масаласи” (1908 йил 5-6 сонлар) деб номлаган эди.

1914 йилда буюқ маърифатчи вафоти муносабати билан эълон қилинган қўпдан-қўп мақолалар орасида Фотих Амирхоннинг бир хотираси бор. Ф.Амирхон унга “бир съезддаги хотира” деб изох беради.

Чамаси, Ф.Амирхон инқилобий гоёлар билан қизиқиб юрган йиллар. Исмоилбекни синфлар ҳақидаги гапларга тортади.

“Ўғлим, Сиз ёшсиз, тажрибангиз йўқ, шу сабаб қерагидан ортиқ қатта иборалар истеъмол этасиз... сўз бошлайди Гаспринский.-Сизнинг қабил қизув руҳли ёшларимиз

миллатга хизмат этуб, анинг маданий даражасини ўсдурсалар, ул вақтда биз синфий ихтилофлар тўғрисида сўзлашурмиз, фикр юритишурмиз. Маданияти йўқ бир миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ, хали синфий низоларга эрта. Бизнинг буқунги вазифамиз хали маданий ўсувдан ва шунга йўл хозирловдангина иборат... Андин сўнггисини биздан сўнггилар киларлар...”

Миллат ва маданиятнинг бобоси оғзиндаги бу сўзлар ҳам ишончли, ҳам улуг ёнғрийлар эди”, - деб тугатади ўз хотирасини Фотих Амирхон (“Онг” ж., 1914 й., 18-сон, 332-333 бетлар). Аслини олганда, у илмий социализм билан таниш эди. Лекин уни қабул қилмаган эди. Бунинг далили 1885 йилда Истамбулда эълон қилган “Оврупо маданиятига бир назар мувозана” рисоласи. Уни Россияда чоп этиш имкони бўлмади. Асарнинг асосий гоёсини Европада кезиб юрган шарпа-иштирокиюнчилик билан бахс ташкил этган эди. Сўнгрок 1905 йил шарофати билан “Мазхаби иштирокиюн” (“Таржимон”г., 1906 йил 72-76 сонлар) мақоласи босилди. Шунингдек, муаллифнинг “Дорул роҳат мусулмонлари” бадиий-публицистик романида ҳам бу бахс давом этди. Бу табиий ҳол. Ўз халқи, мамлакатининг истиқболи ҳақида ўйлаган ҳар бир кишининг бу таълимот билан юзма-юз бўлиши табиий эди.

Ҳап шундаки, Исмоилбек бу таълимотининг асосий нуқталарини шубҳа остига қўйди. Жумладан, “социализм меҳнатда синалган қардошлиқдан бошқа на динни, на ирқни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг қондаси ва мақсади: “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!”-деб ёзди. “Социалистлар” ва “социал демократ”ларнинг “адолат”, “мусовийлик” ҳақидаги шиорлари ташқаридан жуда жимжимадор, кишини маҳлиё қилувчи бўлиб қўринади. Аслида бу назария уни тугдирган сабабларга мувофиқ иш тутати... инқилобий қурашга, қон тўкишга қақиради...”

Маданият ва умр илло, адолат ва мусовийликни барқарор этмок учун. “Лекин бунинг учун жаҳон тартибини бузмокка ҳолат йўқ, ақс ҳолда бундан ҳам қатта мураккаблиқларга дуч қелинади. Ҳар бир кишининг иш, ер ва осойишталигини таъминламок зарур. Аммо бу муқлақо бириникини мусодара этиб, иққинчисига бериш дегани эмас”. “Русия миллий мажлисинда иштирок этган ишчи ва дехқонларнинг делегациялари помешчиклар ва буржуазиянинг мол-мулкини мусодара этмақни тақлиф қиладилар...”

Яна:

“Турли қишларнинг ақли, қучи қобиляти турлича, шунинг учун ҳам ҳар қим ўз имқонига қараб йиғинади... Энди шунинг бариси қишларга тенг бўлинади, дейдилар. Бу қандай тенглик бўлди? Бунда адолат қорми? Мамлақат ва жамиятни “қазарма”га айлантириб, ҳар бир қишини умумий емақхонага тақлиф этармишлар... Мошолло социалистлар! Сизлар яхши маданият, зўр турмушга бошламоқдасиз!”

«Исмоил Гаспринский ва унинг “Мазхаби иштирокиюн”и» мақоласининг муаллифи Ю.Османов буюқ маърифатчининг юқоридаги фикрларини таҳлил қилар экан, унинг утопик социализмга даҳлдор материаллар билан ҳам атрофлича таниш бўлганини таҳмин этади. Ҳап шундаки, Гаспринский социалистик назариянинг ўзини ҳам утопик ҳисоблади. Халқларнинг айрим тарихий формацияларни сакраб ўтишига шубҳа билдирди. Қишларни зўрлаб бахтли қилиб бўлмайди. Мақбурий етаклаб қорилган жаннат ундай қиши учун жаннат эмас, дўзах, деб ҳисоблади.

Алишер Насафий